



КАМ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХУДУДЛАРДА ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Нажимов Искандер Пердебаевич -
Қорақалпоқ давлат университети
Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги кафедраси
доценти и.ф.ф.д. (PhD)

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a48

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий ҳудудларини ривожлантиришда инвестицион қурилиш фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар ўтказиш таклифи этилади. Жумладан, ўрганилаётган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, бунда ушбу ҳудудларда объектларни қуриш самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан, сувсизлик, чул ҳудудларида жойлашганлиги, грунтнинг ҳолати ва бошқа омилларни ҳисобга олиш; янги истиқболли ҳудудларни ўзлаштириш бўйича замонавий илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, кейинчалик унинг ички шароитга мақбуллигини баҳолаш; ушбу ҳудудларда қурилиш ишлаб чиқаришини ҳамда инвестицион қурилиш фаолиятини самарали ташкил этиш шакллари ва усулларини аниқлаш масалалари келтирилган. Мақсад ва вазифалар белгиланди ҳамда кутиладиган натижалар аниқланди.

Калит сўзлар: янги ҳудудларни ўзлаштириш, инвестицион қурилиш жараёни, қурилишнинг иқтисодий самарадорлиги, маҳаллий хомашё ва потенциаллардан фойдаланиш, тадқиқотлар.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТРОИТЕЛЬНЫМИ МАТЕРИАЛАМИ ОБЪЕКТОВ СТРОИТЕЛЬСТВА НА МАЛО ОСВОЕННЫХ ТЕРРИТОРИЯХ

Нажимов Искандер Пердебаевич -
Каракалпакский государственный университет,
доцент кафедры Городское строительство и хозяйство, д.ф.э.н. (PhD)

Аннотация. В статье предлагается провести ряд исследований, направленных на обеспечение эффективности строительной деятельности по инвестированию в развитие Северо-западных территорий Узбекистана. В частности, провести исследования по определению специфики исследуемых территорий, изучить и проанализировать факторы, влияющие на эффективность строительства объектов в этих районах, включая безводность, расположение в пустынных районах, с учетом состояния грунта и других факторов; представлены вопросы изучения современных передовых зарубежных экспериментов по освоению новых перспективных территорий с последующей оценкой их приемлемости для отечественных условий; определения производства строительства в этих регионах, а также форм и методов эффективной организации инвестиционно-строительной деятельности. Выявлены цели, задачи и определены ожидаемые результаты.

Ключевые слова: Освоение новых территорий, инвестиционно-строительный процесс, экономическая эффективность строительства, использование местного сырья и потенциалов, исследования.

IMPROVING THE EFFICIENCY OF PROVIDING CONSTRUCTION MATERIALS FOR CONSTRUCTION FACILITIES IN UNDERDEVELOPED TERRITORIES

Najimov Iskander Perdebayevich -
Karakalpak State University
PhD in Economics, Associate Professor of the Department
«Urban Construction and Economy»

Abstract. The article suggests conducting a set of studies aimed at ensuring the effectiveness of investment and construction activities in the development of the north-western territories of Uzbekistan. In particular, to conduct research to determine the specifics of the studied territories, to study and analyze the factors affecting the effectiveness of the construction of facilities in these areas, including waterlessness, location in desert areas, taking into account the state of the soil and other factors; the issues of studying modern advanced foreign experiments on the development of new promising territories with subsequent assessment of their acceptability for domestic conditions; determination of construction production in these regions, as well as forms and methods of effective organization of investment and construction activities. The goals and objectives are identified and the expected results are determined.

Keywords: development of new territories, investment and construction process, economic efficiency of construction, use of local raw materials and potentials, research.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида қурилиш индустрияси жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоқлардан бирига айланмоқда. Жаҳон

умумий ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қурилиш материаллари ҳамда бино ва иншоотлар қурилиши соҳалари муҳим аҳамият-

га эга. Дунё мамлакатлари ЯИМнинг 13 фоизи айнан шу тармоқда яратилаётганлиги, қурилиш инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётганидан далолат беради [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 18 августдаги “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари очиб берилди. Хусусан, Президентимиз “... биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйдик. Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”, – деб таъкидлади [2].

“Ўзбекистоннинг, жумладан, республика қурилиш комплексининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини акс эттирувчи меъёрий ҳужжатлар иқтисодиёт ва саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беради, хусусан, таркибий ўзгаришлар, диверсификация ва модернизация, IT тизимларини жорий этиш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайди” [3,4].

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби қурилиш саноатида ҳам иқтисодиётни модернизация қилиш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ кескин ўзгаришлар юз бермоқда.

Қурилиш саноати жамиятдаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишни белгиладиган иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири эканлиги барча олимлар томонидан умумэтироф этилган [5].

Қурилиш саноат сифатида муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Қурилиш саноатининг ривожланиши ёки унинг пасайиши минтақавий даражада ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги қийматни аниқлашга имкон берадиган миқдорий кўрсаткичларда ҳам, инфратузилмаларнинг ривожланиши, ҳудудларнинг кўриниши, аҳолининг ҳаёт сифати ва қониқиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таъсир қилувчи сифат кўрсаткичларида ҳам аниқ акс этади [6].

Мамлакатимизда ушбу йўналишларнинг ҳар бирида маълум ютуқларга эришилди, уларнинг натижалари қурилиш ҳажмининг ўсиши, инвестицион қурилиш жараёнининг фаоллашuvi, муҳим саноат ва инфратузилма объектларининг ишга туширилиши, уй-жой ва фуқаролик

қурилишининг ривожланишида кўринади. Ўзбекистон шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди. Биноларнинг сифати ва меъморий ечимлари сезиларли даражада ошди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Самардорлик энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, ишлаб чиқариш самардорлиги, ресурс самардорлиги, инновация самардорлиги, бошқариш самардорлиги, ижтимоий самардорлик ва ҳ.к.

Иқтисодий адабиётларда “самардорлик” таърифига ягона ёндашув йўқ бўлиб, бунда ҳар бир муаллиф ушбу атамага ўз концепциясини беради. Жумладан:

И.Павленконинг таъкидлашича, “самардорлик маълум муддатда корхонанинг меҳнат ресурслари, моддий ресурслар, ахборот ва молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг якуний натижаларини ҳар томонлама баҳолашдир” [7].

В.Андрейчук қуйидаги таърифни беради: “Самардорлик олинган натижа ва харажатлар ўртасидаги нисбат билан ўлчанадиган маълум бир ҳаракат ёки жараён натижадорлигидир” [8].

Т.Котарбинскийнинг сўзларига кўра, “Самардорлик – фаолиятни самарали ташкил этишнинг умумий назарияси билан белгиланадиган натижадорлик” [9].

С.Ф.Покропивний фикрларига кўра, “Ишлаб чиқариш самардорлиги маълум вақт давомида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат (ишчилар)дан фойдаланишнинг якуний натижалари комплекс аксидир” [10].

И.В.Пономарев: “Иқтисодий самардорлик хўжалик юритувчи тизимлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади, у янги ишлаб чиқариш ва корхоналарни ташкил этиш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги мезонидир”, – деб таъкидлайди [11].

Юртимиз олимларидан А.Д.Мэтякубов фикрига кўра, “Самардорлик маҳсулот бирлигига кам ресурс сарфлаб, пировардида кўп натижа олишдир” [12].

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Н.Зайнутдинов Р.И.Нурибетов фикрларига кўра, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ўрни юқори ҳисобланади. Ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ҳамда бошқарувнинг замонавий ком-

муникацион усуллари орқали соҳани инновацион ривожлантириш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириш лозим [13].

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-манتيқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, тизимли ёндашув, анализ ва синтез усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда қурилиш мажмуасининг турли соҳаларида сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Улар молиялаштириш тизимига (ипотеканинг турли шаклларида фойдаланиш), уй-жой қурилишида аҳолининг ижтимоий таркибини ҳисобга олишни кучайтиришга, соҳада бошқарув тизимини такомиллаштиришга тегишлидир [14, 15]. ИТ ютуқларини қўллаш асосида лойиҳалаш тизими тубдан ўзгариб бормоқда ва лойиҳалар сифатининг сезиларли даражада ошиши таъминланмоқда.

Институционал характердаги муҳим йўналишлардан бири хорижий капитални жалб қилган ҳолда корхоналарни ташкил этишдир. Бундай корхоналарни ташкил этиш нафақат халқ хўжалигига қўшимча маблағларни жалб қилиш ва бандликнинг ўсишини, балки қурилиш мажмуасига янги илғор технологияларни жалб қилишни ҳам англатади. Бундан ташқари улар маълум бир маънода замонавий менежмент мактабидир.

Юқоридагиларга қўшимча равишда қурилишни молиялаштиришда бюджет маблағлари улушининг камайиши, корхоналар ва аҳоли инвестицияларининг кўпайиши билан қурилишни молиялаштириш тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганини, шунингдек, хорижий инвестициялар ва банк кредитларини жалб қилишнинг барқарор жараёни мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Таъкидлаш жоизки, ушбу маблағлар, асосан, анъанавий қайта ишлаш тармоқларини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш ҳамда янги саноат тармоқларини яратиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий объектларни қуришга йўналтирилади. Қурилиш бозори инфратузилмасини ривожлантиришда лизинг, инжиниринг ва консалтинг компанияларини яратиш, суғурта хизматларини ривожлантиришни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин [16].

Кўриб чиқиладиган ислохотлар йўналишларини таҳлил қилиб, биз сезиларли натижалар мавжудлигини қайд этишимиз мумкин. Шу билан бирга, қурилишда турли хил муаммолар мавжуд [17]. Улардан бири шундаки, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги эҳтиёжларни кенг манёвр қилиш ва республиканинг шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигига олиб келади. Дарҳақиқат, ушбу ҳудудлар

муҳим табиий ресурс салоҳиятига эга бўлиб, ҳозирда инвестицион жозибадорлиги нисбатан пастроқ. Ушбу ҳудудлар, биринчи навбатда, Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор туманлари ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларининг муҳим қисмини ўз ичига олади, уларда улкан ва ноёб фойдали қазилмалар мавжуд. Ушбу ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар: ҳудуднинг кам ўзлаштирилганлиги, коммуникацион алоқалар етишмаслиги ва саноат марказларидан узоқлиги, шунингдек, ушбу ҳудудларни ўзлаштириш ва зарур объектларни қуришни қийинлаштирадиган табиий иқлим шароитларининг мураккаблигидир.

Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиш шартларидан бири ушбу ҳудудларни самарали ўзлаштириш, энг бой фойдали қазилма захираларини қазиб олиш ва қайта ишлаш харажатларининг максимал даромадлигини таъминлашдан иборат. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ушбу йўналиши энг устувор вазифалардан биридир, чунки бу келажакда нафақат мамлакат ЯИМ ўсишига сезиларли ҳисса қўшиш, балки кўплаб янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш имконини беради. Яқин тарихимизда Устюртда Сургил газ кони асосида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 750 миллион АҚШ доллари бўлган замонавий юқори технологияли газ-кимё мажмуаси қурилиши ва фойдаланишга топширилиши бунга ёрқин мисолдир. Умумий қиймати 4,2 миллиард АҚШ доллари бўлган ушбу мажмуа бошқа шу каби қудратли корхоналар қатори нафақат минтақани ривожлантириш, балки бутун Ўзбекистонни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кучли туртки бўлди.

Юқорида келтирилган ҳудудларда қурилишни ташкил этиш саноат марказларидан узоқлиги, қурилиш материалларини етказиб бериш логистикасининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу қурилиш нархига сезиларли таъсир қилади. Ушбу муаммо нафақат долзарб, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштириш учун катта амалий аҳамиятга эга.

Албатта, ҳозирги вақтда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва кам ўзлаштирилган ҳудудларда қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли инвестицион қурилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга янги ёндашувлар зарур. Бундай шароитда ўрганиладиган комплекснинг самардорлигини ошириш, юқорида айтиб ўтилганидек, қурилиш объектларини лойиҳалашдан тортиб, уларни ишга туширишгача бўлган бутун занжирдаги фан ва бизнес амалиётининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида қури-

лишни ташкил этишнинг энг мос ва адекват шакллари ва усуллари аниқлаш орқали истиқболли кам ўзлаштирилган ҳудудларни ривожлантириш самарадорлигини таъминлайдиган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча қуйидаги тадқиқотлар тўплами ўтказилиши керак:

- кўриб чиқиладиган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, бунда ушбу ҳудудларда объектларни қуриш самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан, сувсизлик, чўл ҳудудларида жойлашганлиги, грунтнинг ҳолати ва шу кабиларни ҳисобга олиш;

- маҳаллий қурилиш мажмуасининг мавжуд потенциални ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ва қурилиш саноати корхоналарининг имкониятларини ва қурилиш материаллари, буюмлари ва иншоотларини ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланиш истиқболларини баҳолаш [18], шу билан транспорт омилининг салбий таъсирини минималлаштириш;

- янги истиқболли ҳудудларни ўзлаштириш бўйича замонавий илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, кейинчалик унинг ички шароитга мақбуллигини ва Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги ривожланиш босқичига мослигини баҳолаш;

- ушбу ҳудудларда қурилиш ишлаб чиқаришини ҳамда инвестицион қурилиш фаолиятини самарали ташкил этиш шакллари ва усуллари аниқлаш ва асослаш билан қурилиш ва қурилиш ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш усуллари асослаш, шу жумладан, минтақавий шароит ва хусусиятларни акс эттирувчи харажатларни ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштириш.

Ушбу тадқиқотлар натижасида кам ўзлаштирилган ҳудудларда объектларни қуриш самарадорлигини таъминлаш, кўриб чиқиладиган ҳудудларда моддий-техник база билан таъминловчи корхоналарни ривожлантириш ва умуман, инвестицион қурилиш фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳамда инвестицияларни кўпайтириш бўйича амалий тавсиялар ва таклифларни олиш мумкин [19].

Ушбу тадқиқотларнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, инвестицион қурилиш сектори ажралмас тизим сифатида кўриб чиқилиши шарт, унинг таркибий қисмлари инвесторлар, инжиниринг ва пудрат ташкилотлари, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Шу билан бирга, қурилиш индустрияси ва шу жумладан, пудратчилар, кам ўзлаштирилган ҳудудлардаги барча инвестицион қурилиш фаолиятининг асосий ва ҳал қилувчи бўғини сифатида қаралиши керак.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу тадқиқотлар натижаларининг потенциал истеъмолчилари қуйидагилар:

- инвестициялаш ва ҳудудларни самарали ривожлантириш, шунингдек, қурилиш сектори самарадорлигини ошириш билан шуғулланувчи давлат тузилмалари;

- ўзлаштирилмаган ҳудудларда инвестицион қурилиш фаолияти соҳасида ишлайдиган инвесторлар, консалтинг ва инжиниринг корхоналари, қурилиш пудратчилари ва қурилиш материаллари саноати корхоналари;

- кўриб чиқиладиган ҳудудларнинг маҳаллий бошқарув тузилмалари.

Тадқиқот натижаларини амалга оширишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мумкин:

- қурилиш соҳаси ва ўзлаштирилмаган ҳудудларда корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кам ўзлаштирилган ҳудудлар учун инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кам ўзлаштирилган ҳудудларда қурилиш соҳасини ва унинг моддий-техник базасини босқичма-босқич ривожлантириш бўйича услубий қоидалар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижаларининг самарадорлиги маҳаллий (кўриб чиқиладиган ҳудудларга хос) хусусиятлар ва уларнинг салоҳиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳудудларни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ва мамлакатда бозор ислоҳотларининг замонавий ривожланиш даражасини, шунингдек, иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда асосланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мавлютов Р.Р. Строительный комплекс в условиях новой экономической реальности. / Р.Р.Мавлютов, М.К.Беляев. // Управленческий учет. 2022. № 11-3. С. 803-811. DOI 10.25806/uu11-32022803-811. EDN ZSFRZN.
2. Интервью Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева газете «Янги Ўзбекистон» от 17.08.2021 г. (<https://review.uz/post/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4335-сонли қарори. \ | lex.uz

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2020 года № УП-6119 «Стратегии модернизации, ускоренного и инновационного развития строительной отрасли Республики Узбекистан на 2021-2025 годы». lex.uz
5. Ермолина Л.В., Пронина Н.Н., Мельникова Д.А. Промышленность строительных материалов в условиях новой экономической реальности. // *Эксперт: теория и практика*. 2023. № 2 (21). С. 38-44. doi:10.51608/26867818_2023_2_38.
6. Макаренко О.И., Севка В.Г. Особенности развития производства строительных материалов в зарубежной практике. // *Экономика, предпринимательство и право*. 2023. Том 13. № 2. С. 413-426. doi: 10.18334/err.13.2.117109.
7. Рябкова А.В. Суцность результативности и эффективности деятельности предприятия. / А.В.Рябкова, 2014. – 296 с.
8. Андрийчук В.Г. Эффективность деятельности аграрных предприятий: теория, методика, анализ. / В.Г.Андрийчук. – М.: КНЭУ, 2013. – 292 с.
9. Куценко А.В. Организационно-экономический механизм управления эффективностью деятельности предприятий потребительской кооперации. Монография. / А.В.Куценко. – Полтава: РИО ПУСКА, 2014. – 205 с.
10. Покропивный С.Ф. Экономика предприятия [Текст]. Учеб. пособие. / С.Ф.Покропивный. – Киев: Изд-во КНЭУ, 2002.
11. Экономическая теория: курс лекций для студентов экономических специальностей вузов [Текст]. Учеб. Пособие. / И.В.Пономаренко. – Гомель: Изд-во УО «БелГУТ», 2006.
12. Мэтякубов А.Д. Вопросы привлечения инвестиций в промышленности Республики Узбекистан (на примере производства строительных материалов). // *Бюллетень науки и практики*. 2018. Т. 4. №7. С. 379-387.
13. Зайнутдинов Ш.Н., Нуримбетов Р.И. Ресурсная база и потенциал производство Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект). // *Бюллетень науки и практики. Электрон. журн*. 2017. № 10 (23). С. 207-212.
14. Указ Президента Республики Узбекистан от 02.04.2018г. №УП-5392 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере строительства». // www.lex.uz
15. Указ Президента Республики Узбекистан 24.07.2017 г. № УП-5120. «О мерах по внедрению системы проектного управления в Республике Узбекистан». // www.lex.uz
16. Нуримбетов Р.И., Нажимов И.П. Современные направления развития промышленности строительных материалов. // «Архитектура. Курилиш. Дизайн». Илмий-амалий журнал. ТАҚИ-2020, 1-сон. 244-248-б.
17. Kalmuratov B.S. (2020). The current state of innovative development of the construction industry of the republic of Uzbekistan. *ISJ Theoretical & Applied Science*, (02(82)), 455-463. <https://doi.org/10.15863/TAS.2020.02.82.74>
18. Тулаганов А. и др. Разработка технологии и исследование нового модифицированного пенобетона на основе местного сырья и отходов производства. Научно-технический отчет. – Т.: ТАСИ, 2014.
19. Нажимов И.П. Направления устойчивого развития промышленности строительных материалов республики Каракалпакстан. // «Архитектура. Курилиш. Дизайн». Илмий-амалий журнал. ТАҚИ-2019, 4-сон. 242-245-б.